

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**227** Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2788*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.  
2016 йил 23 апрель,  
12/I-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил  
23 апрелдаги 12/1-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ валюта биржаси фаолиятини лицензиялашни тартибга солади.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

**валюта биржаси** — чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари, молявий ҳосила инструментлари (деривативлар) олди-сотдиси ҳамда улар билан боғлиқ бошқа биржа битимлари бўйича биржа савдоларини ташкил этувчи юридик шахс;

**лицензияловчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

**лицензия даъвогари** — лицензияловчи органга валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик шахс;

**лицензиат** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиясига эга бўлган юридик шахс.

2. Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

3. Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

4. Лицензияни бериш, амал қилишини тугатиш, бекор қилиш, тўхтатиб туриш, қайта расмийлаштириш ёки қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори билан расмийлаштирилади.

## 2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

5. Қуйидагилар валюта биржаси фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва биржа савдолари қоидаларига риоя қилиш;

б) акциядорлик жамиятлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган устав фонди (устав капитали)нинг энг кам миқдори бўйича талабларга мувофиқлик;

в) камида 10 та ваколатли банк сифатидаги биржа аъзоларининг мавжуд бўлиши;

г) тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилганлиги;

д) мазкур Низомнинг иловасида келтирилган умумий техник талабларга қатъий риоя этган ҳолда шакллантирилган биржа савдолари электрон тизимининг мавжудлиги;

е) биржа савдоларини олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида электрон шаклда валюта биржаси аъзоларининг барчасига ушбу савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконияти берилган ҳолда ўтказиш;

ж) клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш, шунингдек давлат қимматли қоғозларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва уларни сақлаш тизимининг мавжудлиги;

з) ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш;

и) лицензияловчи органнинг талабига кўра биржа фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш;

к) хоналарнинг техник жиҳатдан мустаҳкамланганлиги ва қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этиш воситалари билан жиҳозланганлиги;

л) кундалик бухгалтерия ҳисоби юритилишини таъминловчи дастурий таъминотнинг мавжудлиги;

м) биржа савдоларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда тузиладиган электрон баённомалар тарзида киритилган биржа битимлари тўғрисидаги ахборотни архив ишларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ сақлаш.

### **3-боб. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар**

6. Лицензия олиш учун лицензия даъвогари лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: лицензия даъвогарининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), электрон манзили, банк ҳисоби реквизитлари;

б) лицензия талаблари ва шартларининг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) лицензия даъвогари уставининг нусхаси;

г) лицензия даъвогарининг бошқарув органлари таркиби тўғрисида маълумот;

д) лицензия даъвогарининг чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари, молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) операциялари билан шуғулланувчи бўлинмалари, шунингдек ходимлар малакаси, бўлинмалар ихтисослашуви ва уларнинг техник жиҳозланганлиги тавсифланган ташкилий тузилмаси.

7. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар лицензия даъвогари томонидан лицензияловчи органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия даъвогарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризада лицензия даъвогарининг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилигидир.

8. Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этганлиги учун лицензия даъвогари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

9. Лицензия даъвогаридан мазкур Низомда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

### **4-боб. Ҳужжатларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

10. Лицензия олиш учун ариза билан барча зарур ҳужжатлар лицензия-

ловчи орган томонидан ушбу ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўттиз кун ичида кўриб чиқилади.

11. Лицензияловчи орган томонидан лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

12. Лицензияловчи орган томонидан лицензия берилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат божи ундирилади.

13. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида лицензия даъвогарини лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ҳақида хабардор қилади.

14. Лицензия бериш бўйича қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда жўнатилади (тақдим этилади).

15. Лицензия лицензия даъвогари томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

Лицензия бланкасининг асл нусхаси лицензиатга берилади, лицензия нусхаси лицензияловчи органда сақланади.

16. Лицензия битими лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

Лицензия битимида қуйидагилар бўлиши лозим:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишининг лицензияловчи орган томонидан назорат қилиниши тартиби.

Лицензия битими икки нусхада тузилади, бир нусхаси лицензияловчи органда қолади, иккинчиси эса лицензиатга берилади.

17. Лицензияловчи орган қуйидаги сабабларга кўра лицензия беришни рад этишга ҳақлидир:

лицензия даъвогари ҳужжатларни лозим тарзда расмийлаштирмаган ҳолда тақдим этиши;

лицензия даъвогари тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

лицензия даъвогарининг лицензия бериш талаблари ва шарт-шароитларига номувофиқлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда, рад этишнинг сабаблари ва лицензия даъвогари кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такрор тақдим этиши

мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

Лицензия даъвогари лицензия бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия даъвогарининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан ўн кундан кўп бўлмаган муддатда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади. Лицензия даъвогарларининг аризаларини такроран кўриб чиққанлик учун ҳам йиғим ундирилмайди.

Лицензия даъвогарининг аризасини такроран кўриб чиқишда лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия даъвогарининг лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган аризаси янгидан берилган деб ҳисобланади.

### **5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш, дубликат бериш**

19. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

20. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

21. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб, беш кун мобайнида амалга оширилади.

22. Лицензия йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

### **6-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, лицензияни бекор қилиш**

23. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат томонидан валюта биржаси фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари аниқланганда;

лицензиат томонидан лицензия битимида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартлари бузилиши аниқланганда;

лицензиат томонидан лицензияловчи органнинг аниқланган қоида бузилишларини бартараф этиш бўйича кўрсатмалари бажарилганда.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади.

Лицензияловчи орган лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгилайди. Бунда белгиланган муддат олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этган тақдирда, лицензияловчи орган кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида уч кун муддат ичида қарор қабул қилади.

24. Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилади:

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

лицензиатнинг фаолияти юридик шахс сифатида тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

лицензиат лицензия битимида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба кўпол равишда бузганда;

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган белгилаган муддатда бартараф этмаганда.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади.

Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида, шунингдек лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак.

Тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

25. Лицензия қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

агар лицензиат лицензия бериши ҳақида қарор қабул қилингани тўғрисида хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан бир ой ичида лицензия битимини имзоламаган бўлса;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги далили аниқланганда.

Лицензияловчи органнинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади.

Лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия лицензияловчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида, шунингдек лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак.

### **7-боб. Лицензиат фаолиятини тартибга солиш, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

26. Лицензиат фаолиятини тартибга солиш ва лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг лицензиат томонидан аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқариш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

### **8-боб. Лицензиялар реестрини юритиш**

28. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

лицензиат тўғрисидаги асосий маълумотлар;

лицензия берилган сана ва тартиб рақами;

лицензияни қайта расмийлаштириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асослари ва саналари;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилиш асослари ва санаси;

солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

бошқа маълумотлар.

29. Лицензиялар реестрида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очик ҳисобланади.

### 9-боб. Якунловчи қоида

30. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

## Биржа савдоларининг электрон тизимларига қўйиладиган умумий ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

### 1-боб. Асосий тушунчалар

1. Биржа савдоларининг электрон тизимларига (бундан буён матнда БСЭТ деб юритилади) қўйиладиган умумий техник талабларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**дастурий восита** — маълумотлар билан ишлаш тизимининг фаолият юритишига доир дастурлар, тартиботлар, қоидалар, шунингдек назарда тутилган бўлса, уларга илова қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотлардан иборат объект;

**БСЭТ** — валюта биржаси аъзоларига бевосита биржа савдо залида ёки узоқлаштирилган иш жойларида аниқ вақт режимида биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий ва техник воситалар мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими;

**дизель генератор қурилмаси** — электр энергиясини ишлаб чиқарувчи автоном электрогенератор қурилмаси;

**узлуксиз таъминот манбаи** — компьютер, сервер ва телекоммуникация ускуналарини узлуксиз равишда энергия билан таъминлайдиган қурилма;

**резервни автоматик ишга тушириш қурилмаси** — электр юкларини автоматик тақсимлашни таъминлайдиган электр таъминоти тармоғи қурилмаси.

**2-боб. БСЭТга қўйиладиган техник талаблар**

2. БСЭТ қўйидагиларни таъминлаши лозим:

локал ҳисоблаш тармоқлари шароитларида фаолият кўрсатиш;  
маълумотлар базаси билан боғланганлик асосида, валюта биржаси савдо иштирокчилари (бундан буён матнда савдо иштирокчилари деб юритилади) ҳақидаги ахборотни ташкил қилиш, сақлаш ва акс эттириши;

маълумотлар базаси билан боғланганлик асосида, буюртмалар, битимлар ва савдо натижалари бўйича ахборотни сақлаш ва акс эттириши;

маълумотлар базасида сақланаётган маълумотномалар асосида ахборотни сақлаш ва акс эттириши;

дастурий воситалар мажмуининг ишини қисқа йўриқномалар, ёрдам кўрсатиш ва тушунтиришлар билан таъминланиладиган меню тизими орқали ташкил қилиши;

терминалнинг жисмонан жойлашишидан қатъи назар, аниқ вақт режимида биржа савдоларида қатнашиш имконини ёки савдо иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинувини таъминлаш;

ўтказилган биржа савдолари бўйича ҳисоботларни мазкур савдоларнинг электрон баённомаси мазмунига қатъий мос келтирган ҳолда шакллантириш;

биржа савдолари жараёнида бажарилаётган ҳар бир операцияга автоматик равишда идентификация рақамини бириктириш ва ушбу операцияларни мазкур савдоларнинг электрон баённомасида юритиш.

3. БСЭТнинг таркибида қўйидаги маълумотлар рўйхатга олинadиган биржа савдолари бўйича бажарилган амалларнинг ҳисобини юритувчи автоматлаштирилган (электрон баённома) бўлиши лозим:

савдонинг очилиши;

савдонинг ёпилиши;

савдо иштирокчисини идентификация қилиш;

савдо иштирокчисининг тизимга кириш вақти;

савдо иштирокчисининг тизимдан чиқиш вақти;

савдо иштирокчиси томонидан буюртма берилган вақт;

савдо иштирокчиси буюртмани қайтариб олган вақти;

савдо иштирокчиси буюртмани ўзгартирган вақти;

савдо иштирокчиси битим тузган вақти;

биржа товарининг номи;

буюртмадаги биржа товарининг миқдори;

биржа товарининг нархи.

Ёзувларни қайд қилиш вақтининг формати — йил, ой, кун, соат, дақиқа, сония.

**3-боб. Дастурий воситага қўйиладиган талаблар**

4. БСЭТнинг дастурий воситаси лицензиявий дастурий таъминотдан

фойдаланган ҳолда ва техник топшириққа асосан ишлаб чиқилиши ҳамда эксплуатация қилиниши лозим.

5. Ахборотнинг тўлиқ ёки қисман талофати йўқолиши ва маълумотлар базаси бутунлиги бузилишини олдини олиш мақсадида БСЭТнинг дастурий воситаси фойдаланувчининг хатоларига, техник носозликлар ҳолатларида юзага келадиган хатоларга ҳамда маълумот базаси хатоларига фойдаланувчига унинг кейинги хатти-ҳаракатлари кўрсатилган ахборотни тақдим этган ҳолда ишлов берилишини таъминлаши лозим.

6. БСЭТнинг дастурий воситасида қуйидаги функцияларни таъминлайдиган дастурлар ишини назорат қилувчи модуль бўлиши шарт:

фойдаланувчини идентификация қилиш (таниб олиш), аутентификация қилиш (ҳақиқийлигини тасдиқлаш) ва авторизациялаш (ваколатларни ўзлаштириб олиш);

БСЭТ ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш;

БСЭТда содир бўлаётган воқеаларни рўйхатга олиш ва таҳлил қилиш;

БСЭТ ресурслари бутунлигини назорат қилиш.

7. БСЭТнинг дастурий воситаси қуйидаги дастурий тизимлардан иборат бўлиши ёки мавжуд дастурий тизимлар билан электрон тарзда ўзаро ишлашни таъминлаши лозим:

савдо тизими;

клирингни амалга ошириш ва ҳисоб-китобларни ўтказиш тизими;

давлат қимматли қоғозлари ҳисобини юритиш ва сақлаш тизими;

ахборот-таҳлил тизими;

маълумотларни узатиш тармоқлари (агар технологик савдо жараёни бундай тизим билан ўзаро ишлашни кўзда тутса).

#### **4-боб. Аппарат таъминотида қўйиладиган талаблар**

8. Сервер ва алоқа ускунаси қуйидагиларни таъминлаши лозим:

БСЭТнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш учун етарли даражадаги иш унумдорлигини;

ахборотнинг ортиб бораётган ҳажми билан ишлаш имкониятларини.

9. Серверлар дискли тўплагичлар ва «қайноқ алмашувчи» энергия манбалари билан таъминланиши лозим.

10. Сервернинг вентиляция тизими ҳароратни назорат қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

11. Узлуксиз таъминот манбаи қуввати сервер томонидан талаб қилинадиган қувватга мувофиқ танланиши ва батарея ёрдамида камида 30 дақиқалик иш вақти билан таъминлаши ва номинал қувватнинг кўпи билан 75 фоизгача юкланган бўлиши лозим.

12. Серверларда маълумотларнинг захираланиши дискли тўплагичларда, шунингдек маълумотлар сақланадиган ташқи қурилмаларда таъминланган бўлиши лозим.

13. Серверлар маълумотларни ўзида махсус тезкор сақлайдиган хотира

— хатоларни топиб, тузатиш қобилиятига эга хотира билан жиҳозланган бўлиши керак.

14. Сервер хонаси алоҳида жойлашган ва ундан чекланган доирадаги шахслар фойдаланиши мумкин бўлиши, шунингдек хонадаги ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича 20-24 даражада сақлаб турилиши лозим.

### **5-боб. Ахборот хавфсизлигига қўйиладиган талаблар**

15. Ахборот хавфсизлиги ахборотни муҳофаза қилишнинг ташкилий-техник чора-тадбирлари ва дастурий-аппарат воситаларидан иборат тизим билан таъминланиши ва қўйидагиларни назарда тутиши лозим:

ходимлар ва иштирокчиларнинг БСЭТга кириши учун паролларни қўллаш бўйича схемалар ва йўриқномаларни;

БСЭТ ахборот ресурслари ва хизматларидан ходимларнинг фойдаланиш босқичларини бир-биридан фарқлаш схемаларини;

ахборотни такрорлаш ҳамда маълумотлар нусхалари ва жўнатилган хабарларни сақлаш технологияси бўйича йўриқнома ва ҳужжатларни;

ходимларнинг махфий ҳужжатларни ошкор қилиши мумкин бўлган ёки ошкор қилган ҳаракатлари учун жавобгарликни белгилайдиган ҳужжатларни;

ахборотни муҳофаза этишни таъминлаш мақсадида иштирокчиларнинг электрон тарзда ўзаро алоқасида ахборот алмашинуви қоидаларини белгилайдиган ҳужжатларни.

Савдоларнинг технологик жараёни иштирокчилар учун ахборот алмашинуви мақсадида узунлиги 1024 битдан кам бўлмаган калитли маълумотларни ягона шифрлаш алгоритми қўлланилиши лозим.

16. Ташкилий чоралар юридик шахсларни БСЭТ дастурий воситаларини лойиҳалаш, яратиш, эксплуатация қилиш ва таъминлашга жалб қилиш қоидасини тартибга солувчи талаблар ҳамда ҳаракатлар рўйхатидан иборат бўлиши мумкин.

17. Валюта биржаси аъзоларининг БСЭТда ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларидан, шу жумладан, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, иш олиб боришлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим.

18. БСЭТ дастурий воситаларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими хавф-хатар таҳдиди ҳамда уларнинг нормал фаолият юритилишининг бузилиши билан боғлиқ сабаблар ва шароитларни ўз вақтида аниқланишини таъминлайдиган тегишли хавфсизлик сиёсати билан амалга оширилиши лозим.

### **6-боб. Электр таъминотига қўйиладиган талаблар**

19. БСЭТнинг электр таъминоти меъёрда бўлиши ва электр таъминотини захиралаш мақсадида электр таъминотининг камида иккита фидерлик

кириш тармоғи мавжуд бўлиши лозим. Улар резервни автоматик ишга тушириш қурилмаси орқали электр таъминоти тизимига уланилади.

20. Серверхона узоқ вақт мобайнида электр билан таъминланмаган ҳолда серверхонадаги муҳандислик тизими ва ускуналарнинг узлуксиз ишлаши дизель генератор қурилмаси орқали электр таъминоти тармоғидан ва узлуксиз таъминот манбаи тармоғидан таъминланиши лозим.

21. Компьютер, сервер ва телекоммуникация ускуналарининг узлуксиз электр билан таъминлаш учун махсус хонада алоҳида узлуксиз таъминот манбаи назарда тутилган бўлиши лозим. Бунда узлуксиз таъминот манбаи худди шундай кўринишдаги иккинчи узлуксиз таъминот манбаида 100% ли захирага эга бўлиши лозим.

22. Узлуксиз таъминот манбаи компьютер, сервер ва телекоммуникация ускуналарининг иш фаолиятини дизель генератор қурилмаси тўлиқ ишга тушгунига қадар таъминлаши ва номинал қувватининг 75% дан ортмаган ҳолда ишлаши керак.

### **7-боб. Ташкилий талаблар**

23. БСЭТ узлуксиз равишда суткасига 24 соат мобайнида (иш кунларида) ишлаш имкониятини таъминлаши лозим.

24. Ҳар бир иштирокчи БСЭТдан тенг шарт-шароитларда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Иштирокчилар сони БСЭТ дастурий воситаси иш унумдорлиги ёки дастурий-аппарат тавсифлари билан чекланмаслиги керак.

25. Валюта биржаси савдо иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш мақсадида савдо залидаги терминаллар сони етарли бўлишини таъминлаши шарт.